

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/10.12.2019.I.16.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ
АСОСИДА БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

ШАРОПОВА НАФОСАТ РАДЖАБОВНА

МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ ХИЗМАТЛАРИ БОЗОРИДА МАРКЕТИНГ
ТАДҚИҚОТЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

08.00.11 – Маркетинг

08.00.05 – Хизмат кўрсатиш тармоқлари иқтисодиёти (иқтисодиёт фанлари)

Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент – 2020

**Иқтисодиёт фанлари буйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Content of the dissertation abstract of Doctor of Philosophy (PhD) on economic
sciences**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
экономическим наукам**

Шаропова Нафосат Раджабовна

Мактабгача таълим хизматлари бозорида маркетинг тадқиқотларини
такомиллаштириш..... 3

Шаропова Нафосат Раджабовна

Совершенствование маркетинговых исследований на рынке услуг
дошкольного образования 25

Sharopova Nafosat Rajabovna

Improving marketing research in the market for preschool education
services 47

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works 51

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМий ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/10.12.2019.I.16.01 РАҚАМЛИ ИЛМий КЕНГАШ
АСОСИДА БИР МАРТАЛИК ИЛМий КЕНГАШ

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

ШАРОПОВА НАФОСАТ РАДЖАБОВНА

МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ ХИЗМАТЛАРИ БОЗОРИДА МАРКЕТИНГ
ТАДҚИҚОТЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

08.00.11 – Маркетинг

08.00.05 – Хизмат кўрсатиш тармоқлари иқтисодиёти (иқтисодиёт фанлари)

Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент – 2020

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2019.2.PhD/Iqt600 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент давлат иқтисодиёт университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (Ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.tsue.uz) ҳамда «Ziyounet» ахборот-таълим порталида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Икромов Мурат Акрамович
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Гулямов Саидахрор Саидахмадович
иқтисодиёт фанлари доктори, академик

Асланова Дилбар Хасановна
иқтисодиёт фанлари номзоди, доцент

Етақчи ташкилот:


Мақтабгача таълим ташкилотлари директор ва мутахассисларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш институти


Диссертация ҳимояси Тошкент давлат иқтисодиёт университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.03/10.12.2019.I.16.01 рақамли илмий кенгашнинг 2020 йил «28» декабрь соат 14 даги мажлисида бўлиб ўтади. Манзил: 100003, Тошкент шаҳри, Ислом Каримов кўчаси, 49-уй. Тел.: (99871) 239-28-72, факс: (99871) 239-43-51, e-mail: tdu@tdu.uz


Диссертация билан Тошкент давлат иқтисодиёт университети Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (1022 рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100003, Тошкент шаҳри, Ислом Каримов кўчаси, 49-уй. Тел.: (99871) 239-28-72, факс: (99871) 239-43-51, e-mail: tdu@tdu.uz

Диссертация автореферати 2020 йил «15» декабрь кунини тарқатилди.
(2020 йил «15» декабрь даги 42 рақамли реестр баённомаси).




Н.Х. Жумаев
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш асосида бир марталик Илмий кенгаш раиси, и.ф.д., профессор


У.В. Гафуров
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш асосида бир марталик Илмий кенгаш котиби, и.ф.д., профессор


Ш.Дж. Эргашходжаева
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш асосида бир марталик Илмий кенгаш қоннидаги илмий семинар раиси, и.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон иқтисодиётининг муҳим инфратузилмавий тармоқларидан бири таълим тизими бўлиб, уни ривожлантириш ҳар бир давлат ижтимоий-иқтисодий сиёсатининг устувор йўналишларидан бири ҳисобланади. Мамлакатнинг иқтисодий қудрати, ижтимоий-маънавий турмуш даражасининг юксалиши таълим тизимининг рақобатбардошлиги, илм-фан тараққиёти билан белгиланади. Мактабгача таълим таълим тизимининг бошланғич бўғини ҳисобланиб, уни ривожлантиришга доир амалга оширилган давлат сиёсатини баҳоловчи асосий кўрсаткич мактабгача ёшдаги болаларни таълимга қамраб олиш даражаси ҳисобланади. Шу боис, «2019 йилда мактабгача таълим билан 3-5 ёшли болаларни қамраб олиш даражаси Франция ва Буюк Британияда 100 фоизни, Германия, Италия, Испания, Корея ва Япония давлатларида 98 фоизни ташкил этди»¹. Ушбу кўрсаткич маркетингда истеъмолчиларининг мактабгача таълим хизматларига талаб миқдорини белгилайди ва уни ошириш учун тизимли маркетинг тадқиқотларини ўтказиш зарур бўлади.

Жаҳон миқёсида мактабгача таълим хизматларига талаб миқдорини ошириш мақсадида истеъмолчиларнинг таълим сифатидан қониқишларини оширишга қаратилган маркетинг тадқиқотларини такомиллаштиришга оид кўплаб илмий тадқиқотлар олиб борилган. Жаҳонда мактабгача таълим хизматлари бозорини ривожлантиришга асосий тўсиқ бўлиб келаётган муаммоларни аниқлаш ва уларнинг самарали ечимларини излашга қаратилган маркетинг тадқиқотларини ўтказиш ҳозирги даврда устувор йўналишлардан бири ҳисобланади.

Ўзбекистонда мактабгача таълим соҳасида истиқболли ислохотларга қарамай, истеъмолчиларга турли, сифатли ва арзон мактабгача таълим хизматларини кўрсатиш ҳамда уларнинг талаб ва эҳтиёжларини тизимли ўрганишга қаратилган маркетинг тадқиқотларининг замонавий усул ва воситаларидан фойдаланиш даражаси пастлигича қолмоқда. Натижада «2019 йилда мактабгача таълим билан 3-6 ёшли болаларни қамраб олиш даражаси 46,6 фоизни ташкил этди»². Шу боис, 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида «мактабгача таълим муассасалари тармоғини кенгайтириш ва ушбу муассасаларда болаларнинг ҳар томонлама интеллектуал, эстетик ва жисмоний ривожланиши учун шарт-шароитларни тубдан яхшилаш, болаларнинг мактабгача таълим билан қамраб олинишини жиддий ошириш ва фойдаланиш имкониятларини таъминлаш, педагог ва мутахассисларнинг малака даражасини юксалтириш» бўйича устувор вазифалар белгилаб берилган³. Мазкур вазифаларнинг самарали ижроси мактабгача таълим хизматлари бозорида талаб

¹ OECD Family Database. https://www.oecd-ilibrary.org/education/education-at-a-glance-2018_eag-2018-en (04-09-2019)

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг Олий Мажлисга мурожаатномаси. 24.01.2020. <http://xs.uz/uzkr>

³ Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси» 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли фармони, IV. Ижтимоий соҳани ривожлантиришнинг устувор йўналишлари, 4.4. Таълим ва фан соҳасини ривожлантириш бўлими. <http://lex.uz/docs/3107036>

ва таклиф мувозанати ўрнатиш, истеъмолчиларининг таълим хизматлари сифатидан қониқишларини ошириш орқали мактабгача таълимга бўлган талаб миқдорини оширишга қаратилган замонавий маркетинг тадқиқот усул ва воситаларини ишлаб чиқиш бўйича илмий таклиф ҳамда амалий тавсияларни ишлаб чиқишни тақозо этади. Бу эса мазкур диссертация мавзусининг долзарблигини белгилайди.

Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги 2020 йил ва «Мактабгача таълим ва тарбия тўғрисида»ги 2019 йил қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 6 ноябрдаги ПФ-6108-сон «Ўзбекистоннинг янги тараққиёт даврида таълим-тарбия ва илм-фан соҳаларини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармони, 2020 йил 6 ноябрдаги ПҚ-4884-сон «Таълим-тарбия тизимини янада такомиллаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги, 2020 йил 30 январдаги ПҚ-4581-сон «Мактабгача таълим соҳасида давлат-хусусий шерикликни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирининг 2018 йил 21 ноябрдаги 2-мх-сон «Мактабгача таълим муассасасининг кузатув кенгашини ташкил этиш тўғрисида»ги ва 2018 йил 13 декабрдаги 3-мх-сон «Давлат мактабгача таълим муассасаларида қўшимча пуллик таълим-тарбия хизматлари кўрсатиш фаолиятини ташкил этиш тартиби тўғрисида»ги буйруғи ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги. Диссертация иши республика фан ва технологиялари ривожланишининг I. «Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ҳамда маданий-маърифий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни шакллантириш» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Мавзунинг ўрганилганлик даражаси. Мактабгача таълим хизматлари бозорини ривожлантириш ва унда замонавий маркетинг тадқиқотларини амалга оширишнинг илмий-назарий ва методологик муаммолари В.Ҳу, L.Jang, D.Libent, B.Nyland, B.Hu, S.M.Walton, C.Ruhm, Sh.Wolf сингари хорижлик олимларнинг илмий ишларида тадқиқ этилган⁴. МДҲ мамлакатлари олимларидан мактабгача таълим хизматлари бозорида маркетинг

⁴Bi Ying Hu and etc., (2018) Structural and process predictors of Chinese parental satisfaction toward early childhood education services. *Children and Youth Services Review Journal*, Vol. 89, pp.179-187.; L.Jang and etc., (2014) Parent's perspectives in child care quality and satisfaction in Taiwan. *International Journal of Research Studies in Education*, Vol. 3(5), pp. 3-19.; D.Libent. (2015) Early childhood studies department. Determinants of parents' satisfaction with the quality of pre-primary education in ilala district, dar es Salaam region, Tanzania. *Repot.* p.166.; B.Nyland and etc., (2016). Parents' satisfaction with kindergarten services in Beijing at a time of systematic expansion. *Australasian Journal of Early Childhood*, Vol. 41 (1), pp.19-27.; B.Hu and etc., (2017). Variations in Chinese parental perceptions of early childhood education quality. *European Early Childhood Education Research*, Vol. 25, pp. 519-540.; Sam M. Walton. Center for Business and Economic Research. (2016). Estimating the Demand for and Supply of Early Childhood Education in Northwest Arkansas. *Report.* p.109.; C.Ruhm and etc., (2012). Long-term effects of early childhood care and education. *Nordic Economic Policy Review*, Vol. 1(1), pp. 23-51.; Sharon Wolf, and etc., (2018). *Testing and Scaling-up Supply- and Demand-side Interventions to Improve Kindergarten Educational Quality in Ghana.* SIEF Midline Report. p.122.

тадқиқотларини ташкил этиш масалалари О.Б.Савинская, Н.В.Ребрикова, О.А.Шальноваларнинг илмий ишларида ўрганилган.⁵

Ўзбекистон олимларидан маркетинг тадқиқотларининг назарий ва амалий жиҳатларини Г.Н.Ахунова, А.Ш.Бекмуратов, А.Солиев, М.А.Икрамов, А.А.Фаттахов, Ш.Дж.Эргашходжаева, Л.Т.Абдухалилова⁶, таълим хизматлари бозорини ривожлантириш масалаларини Д.Х.Набиев ва Д.Х.Шадиметова⁷, хизматлар бозорини ривожлантириш масалаларини М.Қ.Пардаев, М.М.Мухаммедов, И.С.Тухлиев, Қ.Ж.Мирзаев, Д.Х.Асланова, Б.Ш.Сафаров, М.Т.Алимова, М.Т.Алиева⁸, мактабгача таълим педагогикаси ва психологияси мавзусига оид масалаларни Д.А.Нуркелдиева, Я.Е.Чичерина, Ш.А.Шодмонова ва бошқалар ўрганганлар⁹.

Аммо юқорида номлари қайд этилган олимларнинг илмий изланишларида мактабгача таълим хизматлари бозоридан маркетинг тадқиқотларини амалга ошириш билан боғлиқ масалалар етарли даражада тадқиқ этилмаган. Шу жиҳатдан, тадқиқотимизда истеъмолчиларнинг талаб ва эҳтиёжларини тизимли ўрганишга қаратилган самарали маркетинг тадқиқоти усулларидан фойдаланиш йўллари ҳамда замонавий маркетинг тадқиқоти воситаларини ишлаб чиқиш масалалари тадқиқ этилган. Ушбу ҳолат мазкур диссертация мавзусини танлаш, унинг мақсад ва вазифаларини белгилашда асос сифатида хизмат қилган.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилаётган олий таълим муассасаси илмий тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация иши Тошкент давлат иқтисодиёт университети илмий

⁵Савинская О. Б. (2015) Родительская оценка услуг детского сада: ценность воспитания и обучения (на примере г. Москвы) // Журнал социологии и социальной антропологии. Т. XVIII. № 2. С. 115-129.; Ребрикова Н.В., Шальнова О.А. (2017) Рынок услуг дошкольного образования: анализ маркетинговой среды. Экономика и управление «Молодой учёный» №9 (143) с. 440.

⁶ Ахунова Г.Н. Ўзбекистонда таълим хизматлари маркетинги муаммолари. Монография. – Т.: “Иқтисод-Молия” нашриёти. 2005. – 244 б.; Бекмуратов А.Ш., Қосимова М.С., Сафаров Б.Ж. Хизматлар маркетинги. Ўқув қўлланма. – Т.: ТДИУ, 2007.; Солиев А. Маркетинг Бозоршунослик. Дарслик. – Т.: 2008. – 131 б.; Ikramov M.A., Pardayev N., Abduxalilova L.T. Marketing tadqiqotlarida statistik tahlil. O‘quv qo‘llanma. – Т.: Sano-standart, 2019. - 232 б.; Ergashxodjaeva Sh.Dj., Yusupov M., Hakimov Z.A. Tovarlar va xizmatlar marketing. O‘quv qo‘llanma. – Т.: TDIU, Iqtisodiyot, 2019. – 440 б.; Фаттахов А.А., Ануфриев А.И. Маркетинговые и логистические технологии в коммерческом бизнесе. Монография. – Т.: Иқтисодиёт дунёси, 2019. – 326 с.

⁷Набиев Д.Х. Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида таълим хизматлари маркетинги башқарувини такомиллаштириш. Иқтисод фанлари докторлик диссертацияси автореферати. – Т., 2009.; Шадиметова Д.Х. Таълим хизматлари бозоридан малака ошириш тизими маркетинг стратегиясини такомиллаштириш. Иқтисод фанлари номзодлик диссертацияси автореферати. – Т.: 2011.

⁸ Пардаев М.Қ. ва бошқалар Хизмат кўрсатиш тармоқлари иқтисодиётининг айрим муаммолари. Монография. – Т.: Наврўз, 2014. – 264 б.; Мухаммедов М.М. ва бошқалар. Хизмат кўрсатиш соҳаси ва туризмни ривожлантиришнинг назарий асослари. Монография. – Самарқанд: Zarafshon, 2017. – 300 б.; Тухлиев И.С. ва бошқалар Туризм: назария ва амалиёт. – Т.: Фан ва технология, 2018. – 400 б.; Мирзаев Қ.Ж. ва бошқалар. Глобал иқтисодий ривожланиш (туризм иқтисодиёти). Ўқув қўлланма. – Т.: Фан ва технология, 2018. – 296 б.; Асланова Д.Х., Саъдуллаева Г. Образования для туризма. // Экономическое обозрение № 12 (240) 2019. – С. 63.; Сафаров Б.Ш. Миллий туризм хизматлар бозорини инновацион ривожлан-тиришнинг методологик асослари. – Т.: Фан ва технология, 2016. – 184 б.; Алимова М.Т. Худудий туризм бозорининг ривожланиш хусусиятлари ва тенденциялари. Докторлик диссертацияси автореферати. Самарқанд СамИСИ, 2017. – 96 б.; Алиева М.Т.; Иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида туризм хизматлари соҳасини бошқаришнинг иқтисодий жиҳатлари. Докторлик диссертацияси автореферати. – Самарқанд, 2019. – 76 бет.

⁹ Шодмонова Ш. Мактабгача таълим педагогикаси. – Т.: Fan va technology, 2008. – 160 б.; Нуркелдиева Д.А., Чичерина Я.Е. Илк, мактабгача ва кичик мактаб ёшидаги болаларни психологик, педагогик ва логопедик текшириш. – Т.: Янги аср авлоди, 2007. – 104 б.

тадқиқот ишлари режасига мувофиқ, ПЗ-20170929648 «Ўзбекистон таълим стандартларини жаҳон стандартларига интеграциялашуви механизмини ишлаб чиқиш ва жорий этиш» мавзусидаги амалий лойиҳа (2018-2020 йй.) доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади мактабгача таълим хизматлари бозорида маркетинг тадқиқотларини такомиллаштириш бўйича илмий-амалий таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

мактабгача таълим хизматлари бозорида маркетинг тадқиқотларининг назарий асосларини ўрганиш;

мактабгача таълим ташкилотлари фаолиятида маркетинг тадқиқотларидан фойдаланишнинг замонавий усулларини ўрганиш;

маркетинг тадқиқотларини ташкил этиш бўйича хорижий мамлакатлар тажрибасини ўрганиш;

Ўзбекистонда мактабгача таълим хизматлари бозорининг ривожланиш тенденцияларини таҳлил қилиш;

мактабгача таълим хизматлари бозорида таклифни маркетинг тадқиқотлари асосида ўрганиш;

истеъмолчиларнинг мактабгача таълим хизматларига талаб миқдорини таҳлил қилиш ва унинг прогноз вариантларини ишлаб чиқиш;

мактабгача таълим хизматлари бозорида маркетинг тадқиқотларини самарали ташкил этиш йўллариини ишлаб чиқиш;

истеъмолчиларнинг мактабгача таълим хизматлари сифатидан қониқишларини ўрганишни маркетинг тадқиқоти усулларидан фойдаланиш асосида такомиллаштириш;

инсон капиталини шакллантиришдаги мактабгача таълим хизматларининг таъсирини аниқлашда маркетинг тадқиқоти усулларидан фойдаланишнинг самарадорлигини аниқлаш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Ўзбекистонда фаолият юритаётган мактабгача таълим ташкилотларининг маркетинг фаолияти танланган.

Тадқиқотнинг предмети мактабгача таълим хизматлари бозорида маркетинг тадқиқотларини такомиллаштириш жараёнида вужудга келувчи ташкилий-иқтисодий муносабатлар ҳисобланади.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертация ишида илмий абстракциялаш, мантиқий фикрлаш, SWOT-таҳлил, сегментлаш, қиёсий таҳлил, кузатув ва сўров усули, ARIMA, SEM-Path ва Latent-SEM модели, дисперцияли ва регрессияли таҳлил усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

мактабгача таълим муассасасалари фаолияти ва ундаги таълим-тарбия сифатини ота-оналар томонидан баҳолашнинг ҳужжатлаштиришга асосланган ностандарт усулидан фойдаланиш ҳамда истеъмолчиларнинг фикр-мулоҳазаларини ўрганиш мақсадида замонавий маркетинг тадқиқот услугиёти такомиллаштирилган;

инсон капиталини шакллантиришдаги мактабгача таълим хизматларининг таъсирини аниқлашга қаратилган SEM-Path модели билан комбинациялашган

маркетинг тадқиқотининг кузатув усулига оид маълумотларни тўплаш ва уни таҳлил қилиш жараёнларини такомиллаштириш асосида мактабгача таълимнинг ижтимоий самарадорлигини баҳолаш усули таклиф этилган;

истеъмолчиларнинг мактабгача таълим хизматлари сифатидан қониқиш индексини ҳисоблаш ва унга таъсир этувчи омилларни аниқлаш мақсадида маркетинг тадқиқотларининг ижтимоий сўров усулидаги таҳлил қилиш жараёнлари Latent-SEM модели талаблари асосида такомиллаштирилган;

мактабгача таълим хизматлари бозорида рақамли маркетингни шакллантириш мақсадида Мактабгача таълим вазирлигининг ЭМИС дастурида таълим тизимига оид хизмат кўрсатувчилар ҳамда ишлаб чиқарувчиларнинг марказлашган базасини яратиш орқали 6 турдаги хизмат кўрсатиш ташкил этилган;

Ўзбекистонда 2020-2030 йилларда 3-6 ёшли болаларни мактабгача таълим билан қамраб олиш даражасининг прогноз кўрсаткичлари ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

истеъмолчилар ёрдамида мактабгача таълим тизимидаги мавжуд камчилик ва муаммоларни аниқлаш орқали таълим сифатини реал ва ҳаққоний баҳолаш тизими яратилган ҳамда истеъмолчиларнинг фикр-мулоҳазаларини ўрганишга қаратилган маркетинг тадқиқот усуллари замонавий тадқиқот воситалари ва таҳлил усулларида фойдаланиш орқали такомиллаштирилган;

мактабгача таълим хизматлари боланинг келгусидаги таълим босқичларидаги баҳоларига, маълумотлилик даражасига, иш билан бандлик ҳамда қўнимсизлик даражаси ўзгаришига таъсир этишини аниқлашга қаратилган маркетинг тадқиқотининг кузатув усули такомиллаштирилган;

таълим муассасаси тури, таълим жараёнида ота-оналар билан самарали ҳамкорлик қилиш ва уларнинг ролини ошириш омилларини ҳисобга олиб бориш асосида мактабгача таълим хизматлари сифатидан истеъмолчиларнинг қониқишларини ошириш мақсадида эконометрик модель ишлаб чиқилган;

истеъмолчиларнинг мактабгача таълим хизматлари бозори субъектлари билан виртуал алоқасини таъминлаш ҳамда ушбу бозорда рақамли маркетинг механизмларини жорий этиш бўйича амалий таклифлар ишлаб чиқилган;

Ўзбекистонда 2020-2030-йилларда мактабгача таълим хизматларига талаб миқдори прогнози кўрсаткичлари ишлаб чиқилган ва ушбу прогноз кўрсаткичларига ҳақиқатда эришиш мақсадида мактабгача таълим хизматларига талаб миқдорига таъсир этувчи омиллар аниқланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқот натижаларининг таҳлил жараёнида мактабгача таълим хизматларига оид статистик маълумотлар манбалари, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлиги ҳамда Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг расмий маълумотлари ва муайян меъёрий ҳужжатлари, тегишли идора ва ташкилотларнинг ҳисоботларидан фойдаланилганлиги, ишда қўлланилган ёндашув ва усулларнинг мақсадга мувофиқлиги ҳамда илмий асосланганлиги, келтирилган хулоса, таклиф ва тавсияларнинг Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлиги амалиётида жорий этилганлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти диссертацияда ишлаб чиқилган таклиф ва тавсиялардан республика мактабгача таълим тизимида замонавий маркетинг тадқиқотларини ташкил этиш, шунингдек, мактабгача таълим хизматлари бозорини янада ривожлантириш мақсадида маркетинг тадқиқоти усулларини такомиллаштиришга оид ёндашувларни ишлаб чиқишда фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти ишлаб чиқилган таклиф ва тавсиялардан мактабгача таълим хизматларини тақдим этувчи таълим муассасаларининг замонавий маркетинг тадқиқотларини амалга ошириш режасини ишлаб чиқиш ва амалга оширишга қаратилган комплекс чоратadbирлар мажмуини ишлаб чиқиш, шунингдек, иктисодиёт йўналишидаги олий ўқув юртлирида «Маркетинг тадқиқотлари», «Хизматлар маркетинги», «Маркетинг тадқиқотларида статистик таҳлил», «Интерактив ва рақамли маркетинг» фанлари бўйича кейс-стади, маърузалар матни, ўқув дастурлари, дарслик ва ўқув қўлланмалар тайёрлашда илмий манба сифатида фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Мактабгача таълим хизматлари бозорида маркетинг тадқиқотларини такомиллаштириш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

мактабгача таълим муассасасалари фаолияти ва ундаги таълим-тарбия сифатини ота-оналар томонидан баҳолашнинг хужжатлаштиришга асосланган ностандарт усулидан фойдаланиш ҳамда истеъмолчиларнинг фикр-мулоҳазаларини ўрганиш мақсадида замонавий маркетинг тадқиқот услубиетини такомиллаштириш бўйича берилган таклифлар Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирининг 2018 йил 21 ноябрдаги «Мактабгача таълим муассасасининг кузатув кенгаши ҳақидаги низомни тасдиқлаш тўғрисида»ги 2-мх-сонли буйруғи билан амалиётга жорий этилган (Мактабгача таълим вазирлигининг 2019 йил 2 октябрдаги 02-02/1-1647-сон маълумотномаси). Мазкур таклифнинг амалиётга жорий этилиши натижасида мактабгача таълим муассасасининг Кузатув кенгаши низомида белгиланган Кенгаш вазифаси ҳисобланган ота-оналарнинг мактабгача таълим муассасалари ва уларнинг ходимлари фаолиятига оид ижтимоий сўровларни амалга ошириш услубиетини ишлаб чиқишда муайян тарзда хизмат қилган. Натижада тадқиқот учун сарфланувчи умумий харажатларнинг 42 фоизга камайишига олиб келган;

инсон капиталини шакллантиришдаги мактабгача таълим хизматларининг таъсирини аниқлашга қаратилган SEM-Path модели билан комбинациялашган маркетинг тадқиқотининг кузатув усулига оид маълумотларни тўплаш ва уни таҳлил қилиш жараёнларини такомиллаштириш асосида мактабгача таълимнинг ижтимоий самарадорлигини баҳолаш усули бўйича берилган таклифлари Ўзбекистон Республикасининг Мактабгача таълим вазирлиги амалиётга жорий этилган (Мактабгача таълим вазирлигининг 2019 йил 2 октябрдаги 02-02/1-1647-сон маълумотномаси). Мазкур таклифнинг амалиётга жорий этилиши Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 30 сентябрдаги ПҚ-3955-сонли «Мактабгача таълим тизимини бошқаришни

такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорининг ижросини таъминлашда муайян даражада хизмат қилган ва «Мактабгача таълимнинг ижтимоий самарадорлигини баҳолаш усули» сифатида қабул қилинган;

истеъмомчиларнинг мактабгача таълим хизматлари сифатидан қониқиш индексини ҳисоблаш ва унга таъсир этувчи омилларни аниқлаш мақсадида маркетинг тадқиқотларининг ижтимоий сўров усулидаги таҳлил жараёнларини Latent-SEM модели талаблари асосида такомиллаштириш бўйича берилган таклифлар Ўзбекистон Республикасининг Мактабгача таълим вазирлиги амалиётига жорий этилган (Мактабгача таълим вазирлигининг 2019 йил 2 октябрдаги 02-02/1-1647-сон маълумотномаси). Мазкур таклифнинг амалиётга жорий этилиши натижасида республика бўйича мактабгача таълим билан 3-6 ёшли болаларни қамраб олиш даражасини 1,3 фоизга ошириш имконини берган;

мактабгача таълим хизматлари бозорида рақамли маркетингни шакллантириш мақсадида Мактабгача таълим вазирлигининг ЭМИС дастурида таълим тизимига оид хизмат кўрсатувчилар ҳамда ишлаб чиқарувчиларнинг марказлашган базасини яратиш орқали 6 турдаги хизматларни кўрсатиш бўйича берилган таклифлар Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлиги фаолиятида жорий этилган (Мактабгача таълим вазирлигининг 2019 йил 2 октябрдаги 02-02/1-1647-сон маълумотномаси). Мазкур таклифнинг амалиётга жорий этилиши натижасида мактабгача таълим тизимига оид маҳсулотларни ишлаб чиқарувчи корхоналар ўз маҳсулот ва хизматлари ҳақида истеъмомчиларга маълумотларни осон ва самарали етказиш тизими йўлга қўйилган. Натижада ота-оналарга мактабгача таълим муассасасини танлаш ва ўзларига қулай бўлган ҳудудда жойлашган мактабгача таълим муассасалари ҳақидаги тўлиқ маълумотлар олишга эришилиб, муассасаларда жами 8 та қўшимча таълим хизматлари кўрсатиш йўлга қўйилган;

Ўзбекистонда 2020-2030 йилларда 3-6 ёшли болаларни мактабгача таълим билан қамраб олиш даражасининг прогноз кўрсаткичлари Ўзбекистон Республикасининг Мактабгача таълим вазирлиги амалиётига жорий этиш учун қабул қилинган (Мактабгача таълим вазирлигининг 2019 йил 2 октябрдаги 02-02/1-1647-сон маълумотномаси). Мазкур таклифнинг амалиётга жорий этилиши натижасида Ўзбекистонда мактабгача таълим билан 3-6 ёшли болаларни қамраб олиш даражасини 2025 йилда 68 фоизга ва 2030 йилга бориб 91 фоизга етказиш мумкинлиги аниқланган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 11 та илмий-амалий конференцияларда, жумладан 7 та республика ва 4 та халқаро илмий-амалий конференцияларда муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация натижалари бўйича жами 21 та илмий иш, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш бўйича тавсия этган илмий нашрларда 10 та мақола, жумладан, 7 таси республика ва 4 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертация ҳажми 148 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг **кириш** қисмида тадқиқотнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, унинг ўрганилганлик даражаси, мақсади, вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, илмий янгилиги, амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти ёритиб берилган, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий этилиши ва тадқиқотда қўлланилган усуллар, нашр қилинган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **«Мактабгача таълим хизматлари бозорида маркетинг тадқиқотларини амалга оширишнинг назарий ва услубий асослари»** деб номланган биринчи бобида мактабгача таълим хизматлари бозорида маркетинг тадқиқотларини амалга оширишнинг зарурати ва унинг назарий асослари, МТТлари фаолиятида маркетинг тадқиқотларидан фойдаланишнинг замонавий усуллари ва мактабгача таълим хизматлари бозорини ривожлантиришнинг халқаро тажрибасидан фойдаланишнинг йўллари ёритилган.

Бозор иқтисодиёти, ўз навбатида, таълим тизимининг рақобат муҳитини ривожлантиришга қаратилган тизимли ислоҳотларни амалга оширишни талаб этади, бу албатта, мактабгача таълим хизматлари соҳасига ҳам тааллуқлидир. Мактабгача таълим хизматларини ривожлантириш бевосита мамлакатда мавжуд барча таълим босқичлари ривожланишига олиб келади. Чунки мактабгача таълим таълим тизимининг дастлабки босқичи ҳисобланади. Шу жиҳатдан, мактабгача таълим хизматларининг асосий вазифаси маълум ёшдаги болада мавжуд истеъдод ва қобилиятни ўз вақтида аниқлаш, уни янада ривожлантириш ҳамда кейинги таълим босқичларида илм олишга қизиқишини уйғотиш орқали тизимли таълим олишга тайёрлаб бориш ҳисобланади. Мазкур вазифаларни тизимли амалга ошириш учун маркетинглардан истеъмолчиларга турли, сифатли ҳамда арзон мактабгача таълим хизматлари кўрсатишни ташкил этиш талаб этилади.

Истеъмолчилар мактабгача таълим тизимидан нафақат болаларга ғамхўрлик қилиш ва тарбия бериш, балки болалар замонавий билимларга эга бўлишларига кўмаклашиш хоҳлайдилар. Бунинг учун муассаса раҳбарлари бозор ва маркетингга оид билим ҳамда кўникмага эга бўлишлари, ўз истеъмолчиларининг талаб ва эҳтиёжларини ўрганиш ҳамда уни қондириш учун таълим хизматлари бозорида тизимли маркетинг тадқиқотларини амалга оширишлари зарур. Хизмат кўрсатувчилар маркетинг тадқиқотларини амалга ошириш орқали тизимда мавжуд муаммоларни аниқлаш ҳамда уларнинг самарали ечимларини излашга эришадилар. Шу жиҳатдан, мактабгача таълим хизматлари бозорида маркетинг тадқиқотларининг асосий мақсади – таълим хизматлари сифати ҳақидаги истеъмолчиларнинг фикр-мулоҳазалари ҳамда уларнинг таълим сифатидан қай даражада қониққанликларини ўрганиш, истеъмолчилар хулқ-атвори гипотезасини текшириш, истиқболли таълим хизматларига талабни аниқлаш ҳамда уни прогноз қилишдан иборат.

Лекин мамлакатимизда шу кунгача айнан мактабгача таълим хизматлари истеъмоличларининг фикр-мулоҳазалари ва талабларини ўрганишга қаратилган маркетинг тадқиқотларига доир илмий изланишлар олиб борилмаган. Мактабгача таълим хизматлари бозорида самарали маркетинг тадқиқотларини амалга ошириш учун замонавий ҳамда такомиллашган маркетинг тадқиқоти усулларини таққослаш мақсадида уларнинг қиёсий таҳлили 1-жадвалда келтирилган.

1-жадвал

Замонавий маркетинг тадқиқотларида тадқиқот усулларидан самарали фойдаланишнинг қиёсий таҳлили¹⁰

КЎРСАТКИЧЛАР	АНЪНАВИЙ УСУЛ	ТАКОМИЛЛАШТИРИЛГАН УСУЛ
Тадқиқот усуллари	Кузатув; Экспримент, Сўров	Кузатув; Ижтимоий сўров; Интернет тадқиқоти
Тадқиқот воситалари	Анкета; Сўровнома	Анкетали сўровнома; Телефонли сўров; Электрон интервью (интернет-сўровнома); Шахсий интервью
Сўровнома шакли	Қоғоз шаклида	Оф-лайн ва он-лайн сўровномалар (телеграмм, фейсбук, мессенжер, одноклассники)
Жавоблар учун ўлчов бирлиги	Чегараланмаган	Лайкерт шкаласи (Likert scale)
Маълумотлар базаси шаклланиши	Microsoft Excel дастурига киритиб борилади	Google Disk ва Google Drive каби иловаларнинг жадвалларида автоматик ва он-лайн шаклда тўпланиб боради
Маълумотларни таҳлил қилиш дастурлари	Microsoft Excel; Microsoft Word	Stata (www.stata.com); Minitab (www.minitab.com); Microsoft Word (www.microsoft.com); Microsoft Excel (www.microsoft.com)
Таҳлил усуллари	Статистик; Динамик; Қиёсий	SEM модели; SEM Path модели; LCA (Latent class analiz) модели; Регрессия модели

Таклиф этилган маркетинг тадқиқот усуллари ёрдамида мактабгача таълим тизимига оид ахборот базасини яратиш ҳамда мактабгача таълим хизматлари бозорида рақамли маркетингни шакллантириш мақсадида Мактабгача таълим вазирлигининг ЭМИС дастурига қўшимча вазифаларни киритиш зарурати пайдо бўлди (1-расм).

¹⁰ Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.



1-расм. Мақтабгача таълим хизматлари бозорида рақамли маркетингни шакллантириш йўллари ¹¹


¹¹Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

Диссертациянинг «**Мактабгача таълим хизматлари бозорида маркетинг тадқиқотларидан фойдаланиш ҳолати таҳлили**» деб номланган иккинчи бобида Ўзбекистонда мактабгача таълим хизматлари бозори ва уни ривожланиш тенденциялари ҳамда мактабгача таълим хизматлари бозоридаги таклиф маркетинг тадқиқотлари асосида ўрганилган, шунингдек, мактабгача таълим хизматларига талаб миқдорининг эконометрик таҳлили ва унинг прогнози амалга оширилган.

Мамлакатимизда 2018 - 2019 йиллар мобайнида олиб борилган ислохотлар натижасида мактабгача таълим ташкилотлари (МТТ) сони 9774 тага етди ва шундан: давлат ташкилотлари - 5832 та, нодавлат - 3942 та (хусусий – 753, ДХШ – 419, оилавий – 2770). Лекин, айти вақтда нодавлат МТТлари учун тўлов миқдорининг юқорилиги ва айрим жойлардаги давлат МТТлардаги таълим сифати пастлиги сингари жиддий муаммолар истеъмолчиларнинг мактабгача таълим хизматларига талаб миқдорига жиддий таъсир этмоқда.

Президентимиз Ш.Мирзиёев таъкидлаганидек¹², “нодавлат МТТлар тармоғини кенгайтириш учун МТТлар фаолиятини давлат-хусусий шериклик асосида ташкил этиш лозим ва шу орқали нодавлат МТТлар учун тўлов миқдорининг арзонлаши ҳамда сифатли таълим хизмати турлари кўпайишига эришилади.

Маълумки, юқори сифатли таълим катта харажатни талаб этади. Шу жиҳатдан, бир ойда бир боланинг мактабгача таълими учун Франция 78, Корея 65, Германия 59, Туркия 50, Австралия 40, Италия 40, Б.Британия 39, Япония 39, Испания 37, АҚШ 28¹³, Ўзбекистон 48 АҚШ доллари сарфлайди¹⁴. Шунингдек, 2-расмда ривожланган давлатлар билан Ўзбекистоннинг мактабгача таълим билан болаларни қамраб олиш даражасининг таққослама таҳлили келтирилган.



2-расм. 2019 йилда ОЕСД мамлакатларида мактабгача таълимга 0-5 ёшли¹⁵, Ўзбекистонда 2-5 ёшгача бўлган болалар қамрови¹⁶, %да

¹² Ўзбекистон Республикаси Президентининг Олий Мажлисга мурожаатномаси. 24.01.2020 йил. <http://xs.uz/uzkr>
¹³ OECD Family database <http://www.oecd.org/els/family/database.htm> Public spending on early childhood education and care per child Public expenditure on childcare per child aged 0-5, in USD PPP.
¹⁴ Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги (МТТларида бир тарбияланувчи учун сарфланувчи ўртача ойлик харажати 462584 сўм (01.01.2020)) <https://www.mf.uz/uz> ва Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки <https://nbu.uz/exchange-rates/> маълумотлари асосида муаллиф томонидан ҳисобланган.
¹⁵ OECD Family Database <http://www.oecd.org/els/family/database.htm>, <http://www.oecd.org/education/education-at-a-glance-19991487.htm>
¹⁶ Ўзбекистон Республикаси давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган.

Ривожланган давлатлар сингари республика бўйича мактабгача таълим билан 3-6 ёшли болаларни тўлиқ камраб олиш учун мактабгача таълим хизматларига талаб миқдорини оширишга таъсир этувчи омилларни аниқлаш ҳамда унга МТТлари фаолиятини ташкил этиш жараёнларида катта эътибор қаратиш зарур бўлади. Қуйидаги 2-жадвалда истеъмолчиларнинг мактабгача таълим хизматларига талаб миқдorigа таъсир қилувчи омилларнинг 4 хил комбинацияда 4 та модели ишлаб чиқилган.

2-жадвал

Ўзбекистонда мактабгача таълим хизматларига талаб миқдorigа таъсир қилувчи омилларнинг регрессион таҳлили, %да¹⁷

Ўзгарувчилар	1-модель	2-модель	3-модель	4-модель
МТТлар сони	1.640**	1.929*	2.747**	2.194*
МТТлардаги жойлар сони	2.363***	3.313***	2.751***	3.402***
МТТлардаги педагоглар сони	1.279**	1.571*	2.459***	2.021**
Иш билан бандлик даражаси		2.072		2.190
МТТлар учун ўртача ойлик тўловлар (2000 йил баҳоларида)	-0.893***	-0.568		
Йиллик туғилиш (3-6 ёшли болалар) сони	0.034*	0.059**	0.033*	0.054**
Ўртача иш ҳаққи, 2000 йил баҳоларида	0.712***	0.654***	0.360***	0.384***
Ишсизлик даражаси	-0.038*	-0.021		-0.003
Кам таъминланган аҳоли улуши		0.626	1.728***	1.498***
Константа	1.829	1.177	-7.759	-5.130
Моделнинг адекватлигини баҳоловчи мезонлар				
АИС	- 53.335	- 58.684	- 54.612	- 55.458
БИС	- 54.369	- 49.239	- 48.001	- 46.958
R-квадрат қиймати	0.96	0.95	0.97	0.96

Изоҳ: n- қийматлар юлдузчалар билан қуйидагича берилган: *** $p < 0.01$, ** $p < 0.05$, * $p < 0.1$


Юқорида келтирилган 4 хилдаги моделларнинг адекватлилик текширув натижаларига кўра, Акаике ва Баесия ахборот мезонлари қийматлари иккинчи, учинчи ва тўртинчи моделларга нисбатан биринчи моделда кичик ҳамда детерминация коэффиценти нисбатан юқори бўлган. Шунингдек, Breusch-Godfrey тести натижаларига кўра, барча тенгламаларда автокорреляция мавжуд эмас. Демак, барча тенгламалардаги регрессия коэффицентлари интерпретация қилиш учун яроқли ва адекват натижа бера олади ҳамда регрессия тенглама қолдиқлари нормал тақсимланган. Ушбу 4 хил моделлар орасидан адекватлилик текширув натижалари асосида 1-модель энг аҳамиятли модель ҳисобланиб, Ўзбекистон шароитида мактабгача таълим хизматларига талаб миқдorigа таъсир этувчи омилларни нисбатан аниқ кўрсатиб бера олувчи модель сифатида талабни прогноз қилиш учун тавсия этилади.

Биринчи модель натижаларига кўра, МТТлари сони ошиши мактабгача таълимга талаб миқдори учун аҳамиятли ($p < 0.05$) бўлиб, унинг ошиши талаб миқдорини 1,6 фоизга оширади; МТТлардаги жойлар сони ҳам аҳамиятли

¹⁷ Stata 15 статистик таҳлил дастури ёрдамида амалга оширилган регрессион таҳлил натижалари.

($p < 0.01$) бўлиб, унинг ошиши талаб миқдорини 2,4 фоизга оширади; МТТлардаги педагоглар сони ҳам аҳамиятли ($p < 0.05$) бўлиб, унинг ошиши талаб миқдорини 1,3 фоизга оширади; МТТлар учун ўртача ойлик тўловларнинг ошиши аҳамиятли ($p < 0.01$), лекин тескари таъсир эга бўлиб, унинг ошиши талаб миқдорини 0,9 фоизга пасайтиради; йиллик туғилиш (3-6 ёшли болалар) сони ҳам аҳамиятли ($p < 0.1$), унинг ошиши талаб миқдорини 0,03 фоизга оширади; республика бўйича ўртача иш ҳақи ошиши ҳам аҳамиятли ($p < 0.01$) бўлиб, унинг ошиши талаб миқдорини 0,7 фоизга оширади; республика бўйича ишсизлик даражаси ошиши ҳам аҳамиятли ($p < 0.1$), лекин тескари таъсир эга ва унинг ошиши талаб миқдорини 0,04 фоизга пасайтиради.

Амалга оширилган 1-модел асосида мактабгача таълим хизматларига талаб миқдорини прогноз қилиш мақсадида республика бўйича 3-6 ёшли болаларни мактабгача таълим билан қамраб олиш даражасининг 2000-2019 йиллар бўйича кўрсаткичлари олинган ҳамда АРИМА (1,0,0) модели ёрдамида прогноз амалга оширилган (3-расм).



3-расм. Ўзбекистонда 2020-2030-йилларда мактабгача таълим билан 3-6 ёшли болаларни қамраб олиш даражасининг прогноз кўрсаткичлари¹⁸

Прогноз натижаларига кўра, Ўзбекистонда мактабгача таълим билан 3-6 ёшли болаларни қамраб олиш даражаси 2020 йилда 48,3 фоизга, 2025 йилда 67,9 фоизга ҳамда 2030 йилда 76,3 фоизга етказиш мумкинлиги аниқланган.

Диссертациянинг «**Мактабгача таълим хизматлари бозорида маркетинг тадқиқотларини ўтказиш самарадорлигини ошириш йўллари**» деб номланган учинчи бобида мактабгача таълим хизматлари бозорида маркетинг тадқиқотларини самарали ташкил этиш йўллари, истеъмолчиларнинг мактабгача таълим сифатидан қониқишларини ўрганишга қаратилган маркетинг тадқиқот усулларидан фойдаланишни такомиллаштириш ва мактабгача таълим хизматларининг инсон капиталини шакллантиришдаги таъсирини аниқлашда маркетингнинг тадқиқот усулларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш йўллари бўйича таклиф ва тавсиялар баён қилинган.

Диссертация доирасида мактабгача таълим тизимига оид муаммоларни маркетинг тадқиқотлари ёрдамида ўрганиш жараёнларида аниқландики,

¹⁸Муаллиф томонидан Минитаб 19 статистик таҳлил дастури ёрдамида ишлаб чиқилган.

боласининг келгусидаги узоқ муддатли фаолиятига мактабгача таълимнинг аҳамиятига эътибор бермайдиган ота-оналар мавжуд. Шу жihatдан, мактабгача таълим тизими мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши ҳамда инсон капиталини шакллантиришга таъсирини аниқлашга қаратилган SEM-Path модели талаблари асосида кузатув усули ёрдамида респондентларнинг ҳаёти давомида эришган натижаларини ўзида акс эттирган ижтимоий сўровнома ишлаб чиқилди.

Тадқиқот гипотезаси: Н – мактабгача таълим боланинг келгусидаги фаолиятида эришадиган натижаларига нисбатан юқори таъсирга эга. Ушбу гипотезани илмий асослаш мақсадида тўпланган сўровнома натижалари Stata 15 статистик таҳлил дастури ёрдамида SEM-Path модели бўйича таҳлил қилиш учун ўзгарувчилар таснифи қуйидаги 3-жадвалда келтирилган.

3-жадвал


Таҳлил учун ўзгарувчилар таснифи¹⁹

№	Омиллар	Белгиланиши	Таснифи
Боғлиқ ўзгарувчилар - У			
1.	Маълумоти	У₁	Боланинг маълумотлилик даражаси уч гуруҳда аниқланган: маълумотга эга эмас, ўрта махсус, олий
2.	Иш билан банд	У₂	Боланинг бандлик даражаси икки гуруҳда аниқланган: ишлайди, ишламайди
3.	Қўнимсизлик	У₃	Боланинг охириги иш жойида қанча муддатдан буён ишлаб келаётганлиги йиллар бўйича олинган
4.	Стаж	У₄	Боланинг иш стажи кўрсаткичлари йиллар бўйича олинган
Мустақил ўзгарувчилар – Х			
1.	Боғчага борган	Х₁	Боланинг боғчага борган, боғчага бормаганлиги
2.	Аёл	Х₂	Боланинг жинси: аёл, эркак
3.	Қишлоқ	Х₃	Боланинг яшаш жойи: қишлоқ, шаҳар
4.	Ёши	Х₄	Боланинг ёши йиллар бўйича олинган
Воситачи ўзгарувчилар – Х			
5.	Мактаб таълими баҳоси	Х₅	Боланинг мактаб таълими баҳоси 4 гуруҳда аниқланган: қониқарли, ўрта, яхши, аъло
6.	Ўрта махсус таълими баҳоси	Х₆	Боланинг Ўрта махсус таълим баҳоси 4 гуруҳда аниқланган: қониқарли, ўрта, яхши, аъло
7.	Олий таълими баҳоси	Х₇	Боланинг олий таълими баҳоси 4 гуруҳда аниқланган: қониқарли, ўрта, яхши, аъло

Тадқиқот жараёнида Ўзбекистон бўйича тасодифий 930 нафар 25-60 ёшгача бўлган респондентлардан телефонли сўров ҳамда сўровномада иштирок этган респондентларнинг 484 нафари қишлоқ жойларда ва 446 нафари шаҳарда яшайди, уларнинг 400 нафари эркак ва 530 нафари аёллардан иборат бўлган. Шунингдек, респондентларнинг 157 нафари маълумотга эга эмас, 404 нафари

¹⁹Стата 15 статистик таҳлил дастури ёрдамида муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

олий маълумотли ва 369 нафари ўрта махсус маълумотга эга эканликлари аниқланган. Жами иштирокчилардан 322 нафари мактабгача таълимга борган бўлса, мактабгача таълимга бормаганлар сони 368 нафарни ташкил этган. Таҳлил жараёнида респондентларнинг турли гуруҳларидаги фаолиятида мактабгача таълимнинг қай даражада таъсири ва улар ўртасидаги асосий фарқли жиҳатлар қайси омилларга боғлиқ эканлигини аниқлаш мақсадида амалга оширилган SEM-Path модели натижалари 4-расмда келтирилган.



4-расм. Мактабгача таълимнинг инсон капиталини шакллантиришдаги таъсирини аниқлаш бўйича SEM-Path модели натижалари, коэффициентда²⁰

Амалга оширилган SEM-Path модели таҳлил натижаларининг ишончилиги ва унинг аниқлигини янада ошириш мақсадида мустақил ва воситачи ўзгарувчиларнинг боғлиқ ўзгарувчиларга ўзаро таъсирини (Indirect effects, Direct effects, Total effects) аниқлаш талаб этилади. Бу таҳлил ёрдамида мактабгача таълимнинг таъсирини англатувчи боғчага борган ўзгарувчининг воситачи ўзгарувчилар орқали (билвосита) ҳамда боғлиқ ўзгарувчиларга тўғридан-тўғри (бевосита) ва умумий таъсири таҳлил қилиш имконияти мавжуд. Шунингдек, мактабгача таълимнинг инсон капиталини шакллантиришдаги таъсирини аниқлаш мақсадида танланган ўзгарувчиларнинг модель учун қай даражада аҳамиятли эканлигини аниқлашда натижани R-квадрат қийматлари асосида текшириш талаб этилади. R-квадрат қийматлари натижаларига кўра, мактабгача таълимнинг инсон капиталини шакллантиришдаги таъсирини баҳолаш учун танланган барча ўзгарувчилар модель учун 64 фоизга аҳамиятли бўлиб, айнан ушбу модель учун боғчага борган асосий ўзгарувчининг аҳамиятлилигини алоҳида олиб ўрганилса, унинг R-квадрат қиймати 38 фоизга тенг эканлигини кузатиш мумкин.

Амалга оширилган мактабгача таълимнинг инсон капиталини шакллантиришдаги таъсирини аниқлашга қаратилган SEM-Path модели таҳлил натижаларига кўра қуйидаги хулосаларга келинди:

²⁰Стата 15 статистик таҳлил дастури ёрдамида муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

Агар бола мактабгача таълимга борса, унинг келгусидаги мактаб баҳолари 0,7 коэффициентга юқори бўлади;

Агар бола мактабгача таълимга борса, унинг келгусидаги олий таълим баҳолари 1,3 коэффициентга юқори бўлади;

Агар бола мактабгача таълимга борса, унинг келгусидаги маълумотлилик даражаси бир поғонага ошишига мактабгача таълим 0,05 коэффициентга таъсир қилади;

Агар бола мактабгача таълимга борса, унинг келгусидаги иш стажи 0,7 йилга ошади;

Агар бола мактабгача таълимга борса, унинг иш фаолиятидаги кўнимсизлик даражаси 0,3 йилга камаяди;

Агар бола мактабгача таълимга борса, унинг келгусида иш билан банд бўлиш эҳтимоллиги 0,2 коэффициентга ошади.

